

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ НИЗОМ АЗИЗОВИЧ

**МИРИЗЗИ СИНДРОМИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЎТ ТОШ
КАСАЛЛИГИ ХИРУРГИК ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Қурбонов Низом Азизович

Мириззи синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги хирургик давосини
такомиллаштириш 3

Қурбонов Низом Азизович

Совершенствование хирургического лечения желчнокаменной болезни,
осложненной синдромом Мириззи 23

Kurbonov Nizom Azizovich

Improvement of surgical treatment of cholelithiasis complicated by Mirizzi
syndrome 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ НИЗОМ АЗИЗОВИЧ

**МИРИЗЗИ СИНДРОМИ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН ЎТ ТОШ
КАСАЛЛИГИ ХИРУРГИК ДАВОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1974 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Давлатов Салим Сулаймонович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар

Ўроқов Шухрат Тўхтаевич
тиббиёт фанлари доктори

Эшонходжаев Отабек Джураевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

**Жанубий Қозоғистон тиббиёт
академияси
(Қозоғистон)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй.Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200100, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 1-уй. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунга келиб ўт тош касаллиги энг кўп тарқалган касалликлардан бири бўлиб, катта ёшдаги аҳолининг 10–15% ида учрайди. “Ўт тош касаллигининг энг кам учрайдиган асоратларидан бири Мириizzi синдроми бўлиб, ушбу касаллик билан беморларнинг 0,2–5% ида учрайди”¹. Мириizzi синдроми билан беморларнинг учраши охириги йилларда кўпайиб боргани ўт тош касаллиги билан беморлар сонининг ошганлиги, юқори информативликка эга бўлган текшириш усулларининг пайдо бўлганлиги, ҳамда ўт йўллари жарроҳлигининг ривожланганлиги билан боғлиқ. Операциядан кейинги ўлим даражаси ушбу касалликда юқори бўлиб, 11–14% ни ташкил этади. “Гепатикохоledохнинг операциядан кейинги стриктураси ривожланиши сабабли, жарроҳлик аралашувларининг кечки натижалари ҳанузгача яхши эмас”². Шу билан бирга Мириizzi синдромининг тушунчаси, унинг таснифи, шунингдек, даволаш усулларини танлаш тўғрисида маълум бир тўхтамга келингани йўқ.

Бутун дунё амалиётида касаллик оғирлик даражасини баҳолашнинг морфо - функционал мезонларини ўрганишга қаратилган қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Метаболик касалликлар билан тавсифланадиган ва натижада ўт пуфаги, ўт йўллари ҳамда умумий ўт йўлларида ўт тошларининг шаклланишига олиб келадиган касалликларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Замонавий жарроҳликда Мириizzi синдроми кенг тарқалган, кундалик ва муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Перитонит ва бошқа интраабдоминал муаммоларга олиб келиши мумкин бўлган Мириizzi синдромининг энг оғир асорати – магистрал ўт йўллариининг ятроген шикастланиши ҳисобланади. Айнан ушбу беморлар гуруҳи энг кўп жарроҳлар эътиборини ўзига тортиб, шошилинич тиббий ёрдам усулларини мақбуллаштиришни талаб этади. Ёш ўтиши билан тошли холециститнинг тарқалиши ортиб боради.

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва кўламини етарлича кенгайтириш юзасидан кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда, хусусан, Мириizzi синдроми билан беморларни жарроҳлик даволаш сифатини яхшилашда етарлича ижобий натижаларга эришилиб келинмоқда. Шу билан бирга, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун ўт тош касаллиги олдини олишнинг янгича усулларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий – асосланган натижалар бўлиши талаб этилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга

¹ Назыров Ф.Г., Акбаров М.М., Нишанов М.Ш. Диагностика и лечение синдрома Мириizzi. Хирургия. Н.И. Пирогов номидаги журнал.2010(4):67-73

² Байбеков Р.Р. Факторы риска повреждений и посттравматических стриктур внепеченочных желчных протоков. // Врач ахборотномаси, 2019, №3, С. 162-171.

мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат куратиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматда аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»³ каби вазифалар белгиланган. Шунга кўра, хирургик тактикани такомиллаштириш ва операциядан кейинги даврда юзага келадиган асоратлар сонини камайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали Мириззи синдроми билан беморлар хирургик даволаш сифатини яхшилаш тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истикболли йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу йўналишда олиб борилган кўпгина илмий изланишлар борлигига қарамадан, Мириззи синдроми (МС) билан беморларни ташхислаш ва даволаш муаммолари шошилишч ўт йўллари хирургиясида долзарб мавзу бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ўрганиш тарихининг ярим асрдан ошганлигига қарамадан МС ўт йўллари жарроҳлигидаги энг кам ўрганилган муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, тадқиқотларнинг аксарияти ўткир деструктив тошли холециститни анъанавий клиник, лаборатория ва инструментал текшириш усуллари ёрдамида ташхислаш ва даволашга бағишланган бўлиб, бу патологик жараённинг оғирлик даражасини тўлиқ аниқлаш ва унга таъсир қилиш имконини беради аммо уларнинг инвазивлиги туфайли турли хилдаги асоратлар ривожланишига замин яратади.

Шундай қилиб, Халқлар дўстлиги университети (Россия), Singapore General Hospital (Сингапур) тадқиқотларида асосий эътибор ЎДТХнинг турли

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

морфологик шакллари кеч ташхислаш сабабларини аниқлашга қаратилган. Кеск Medical Center (Лос Анжелес), Alexandroupolis университетининг клиникаси (Греция) маълумотлари ҳам МС билан беморларда операция вақтидаги ятроген шикастланишлар сонининг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Яқин вақтгача МС лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) ўтказиш учун қарши кўрсатма сифатида баҳолашиб келинган бўлса, охириги вақтларда МС нинг айрим типларида лапароскопик коррекциянинг самарадорлиги кўрсатувчи бир қатор илмий ишлар пайдо бўлмоқда.

Замонавий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, МС ни даволашнинг турли хил йўналишлари мавжуд, жумладан, анъанавий – очик ва миниинвазив жарроҳлик аралашувлар. «Бироқ, МС да очик жарроҳлик аралашуви кундалик амалиётда энг қулай йўналиш бўлиб қолмоқда» (Хаджибаев А.М. ва бошқа ҳаммуаллифлар). Олинган натижаларга асосланиб, МС ни операциядан олдин эрта ташхислаш жиҳатидан ҳам, операция ўтказувчи жарроҳлар техник маҳоратини ошириш жиҳатидан ҳам мутахассислар тайёрлаш масалаларини қайта кўриб чиқишга қарор қилинди (Prudkov M.I. ва бошқа ҳаммуаллифлар). Шу билан бирга, қайд этиш лозимки, МС ни ташхислаш дастурида замонавий нурли текшириш усуллари (МСКТ, МРТ-холангиография)нинг ўрни ҳалигача аниқлаштирилмаган. Шу билан бир қаторда, ушбу беморларда мавжуд бўлган механик сариқлик ва йирингли холангит белгиларини коррекция қилиш учун турли хилдаги эндобилиар аралашувлардан фойдаланишнинг ўзига хос кўрсаткичлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган, Лапароскопик аралашувларнинг даволаш алгоритмидаги ўрни ва роли аниқланмаган. Бугунги кунга келиб, «...МС билан асоратланган ўТК бор беморларни лапароскопик даволашнинг ишончли усулини ишлаб чиқиш...» зарурати туғилмоқда. Ва ниҳоят, муайян клиник ҳолатларда аниқ ҳаракатлар стандартига эга бўлган МС билан беморларни олиб бориш учун даволаш ва ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилмаган.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда, МС билан беморларни даволаш - ташхислаш тактикаси замонавий соғлиқни сақлашнинг долзарб ва ҳали ҳал этилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Касаллик клиник кечиш хусусиятларини баҳолаш, ҳамда касалликнинг кучайиб бориш белгиларини аниқлаш имконини берувчи тиббий визуализациянинг ноинвазив усуллари берган маълумотлар асосида МС да жарроҳлик аралашувларининг радикалик меъзонларини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилмоқда, шу сабабли, ҳар бир алоҳида ҳолатда энг радикал жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш мақсадида ташхислаш алгоритмининг мақбуллаштириш айниқса долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасасида илмий-тадқиқот ишларининг режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 5436–012000262 рақамли «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий

технологияларини яратиш ва жорий этиш» (2019–2023 йй.) мавзусидаги илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт-тош касаллиги хирургик давосини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўт тош касаллиги билан оғриган беморларда Мириizzi синдроми эҳтимоллигини инструментал текшириш усуллари орқали баҳолаш;

клиник, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари орқали олинган маълумотлар асосида ўт тош касаллиги ташхисланган беморларда Мириizzi синдромини башоратлашнинг баллиқ дастурини ишлаб чиқиш;

Мириizzi синдромининг тавсия этилган таснифини ўрганиш шахсий кузатишлар асосида ушбу синдромнинг магистрал ўт йўлларининг шикастланиш сатҳига кўра таснифини ишлаб чиқиш;

жарроҳлик амалиётининг оқилона турини танлашга таъсир қилувчи мезонларни ҳисобга олган ҳолда Мириizzi синдромида жарроҳлик даволаш натижалари қиёсий таҳлилини ўтказиш, жарроҳлик тактикасини аниқлаш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги сабабли стационар шароитда даволанган 117 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети Мириizzi синдромида жарроҳлик тактикасини танлашга табақалаштирилган ёндашув ва махсус текшириш усуллари кўллаш орқали жарроҳлик, ҳамда комплекс текшириш натижаларини таҳлили ташкил этган.

Тадқиқот усуллари.Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун клиник, инструментал (ултратовуш, эндоскопик, нурли) ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

клиник, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари орқали олинган маълумотлар асосида ўт тош касаллиги ташхисланган беморларда Мириizzi синдромини башоратлашнинг специфик баҳолаш шкаласи такомиллаштирилган;

Мириizzi синдромининг магистрал ўт йўлларининг шикастланиш сатҳига кўра 2 типга ажратиш таснифи ишлаб чиқилган;

магистрал ўт йўллари шикастланиш сатҳига кўра Мириizzi синдромининг 2 типини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик тактикасини танлаш дастури ишлаб чиқилган;

холецистэктомия қилинган Мириizzi синдроми билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш учун махсус шкала операциядан кейинги даврга таъсир қилувчи омилларни текшириш ва постхолецистэктомик синдроми эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

операциядан олдинги даврда клиник, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари орқали олинган маълумотлар асосида ўт тош касаллиги билан беморларда Мириizzi синдромини башоратлашнинг специфик баҳолаш шкаласи такомиллаштирилган;

тавсия этилган дастурни ҳисобга олган ҳолда, Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги бор беморларда минилапаротом, лапароскопик ва лапаротом усулларда холецистэктомия бажариш учун кўрсатмалар аниқланган, бу эса операциягача бўлган даврда мақбул жарроҳлик тактикасини танлаш ва магистрал ўт йўллариини интраоперацион ятроген шикастланишини олдини олиш имконини берган;

тавсия этилган ташхислаш ва даволаш тактикаси ташхислаш сифатини яхшилаш, операциядан кейинги эрта ва кечки муддатларда асоратлар юзага келиш частотасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда кўриб чиқилган муаммолар ечимининг Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги бор беморларни хирургик даволаш ва ташхислашнинг замонавий илмий – амалий қарашлари ва ёндашувларига асосланганлиги, тадқиқотдаги хулосалар Студент меъзони, ишончлилик интервали ва ишончлилик эҳтимолини ҳисоблаш орқали вариацион таҳлил каби замонавий математик статистика усуллари ёрдамида қайта ишланган натижалар асосида олинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги бор беморларни даволашда замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга замин яратиши, клиник, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари орқали олинган маълумотлар асосида ўт тош касаллиги билан беморларда Мириizzi синдромини башоратлашнинг специфик баҳолаш шкаласи такомиллаштирилганлиги ушбу синдром билан асоратланган ўт тош касаллиги бор беморларнинг жарроҳлик даволаш натижаларини ретроспектив таҳлили ёрдамида исботланганлиги, Мириizzi синдромининг магистрал ўт йўллариининг шикастланиш сатҳига кўра типларга ажратиш таснифи ишлаб чиқилганлиги, магистрал ўт йўллари шикастланиш сатҳига кўра Мириizzi синдромининг типини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик тактикасини танлаш дастури ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги бор беморларни турли тоифадаги даволаш профилактика муассасаларида ташхислаш ва даволаш учун қўллаш мумкинлиги, операциядан олдинги даврда клиник, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари орқали олинган маълумотлар асосида ўт тош касаллиги бор беморларда Мириizzi синдромини башоратлашнинг специфик баҳолаш шкаласи такомиллаштирилганлиги, ушбу синдром билан асоратланган ўт тош касаллиги бор беморларда минилапаротом, лапароскопик ва лапаротом усулларда холецистэктомия бажариш учун кўрсатмалар аниқланганлиги, бу эса операциягача бўлган даврда мақбул

жарроҳлик тактикасини танлаш ва магистрал ўт йўлларини интраоперацион ятроген шикастланишини олдини олиш имконини берганлиги, тавсия этилган ташхислаш ва даволаш тактикаси ташхислаш сифатини яхшилаш, операциядан кейинги эрта ва кечки муддатларда асоратлар юзага келиш частотасини камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг тадбиқ қилиниши. Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги бўлган беморларни жарроҳлик даволашни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Мириizzi синдроми ташхислаш ва давосини такомиллаштириш имконини берган «Мириizzi синдроми даволаш ва ташхислашнинг тактик-техник жиҳатлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 8н-з/384-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар операция йўлини танлашга ва ПХЭСни олдини олишга комплекс ёндашув орқали Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллигини жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини танлашни мақбуллаштириш имконини берган;

Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик йўли орқали даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш, хусусан, Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Қашқадарё вилояти Китоб туман тиббиёт бирлашмаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2022 йил 20 июндаги 8н-з/301-сон хулосаси). Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши операциядан кейинги эрта асоратлар частотасини 16,4% дан 3,2% гача, кечки операциядан кейинги асоратлар частотасини 15,6% дан 0% гача пасайтириши ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш, сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, 9 та мақола, улардан 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Матнли материал ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблилиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларига асосланган бўлиб, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари

ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, тадқиқотнинг амалиётга жорий қилинган натижалари илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мириizzi синдромини ташхислаш ва даволашда замонавий қарашлар**» номланган биринчи бобда Мириizzi синдроми билан асоратланган ЎТК нинг муаммолари, этиопатогенези, даволаш ва ташхислашнинг замонавий усуллари, шунингдек, ушбу патология билан беморларни юритишнинг долзарб масалалари моҳиятини очиқ берувчи адабиётлар шарҳи берилган. Ушбу бобда муаммонинг ҳолати, ўт тош касаллигини даволашда қўлланиладиган холецистэктомия усуллари ва уларнинг қиёсий тавсифи келтирилган. Шунингдек, замонавий жаҳон адабиёти маълумотлари бўйича, Мириizzi синдроминан жарроҳлигида қўлланиладиган миниинвазив аралашувлар тўғрисида алоҳида баён этилган.

Диссертациянинг «**Материалларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобда материаллар ва текшириш усуллари баён этилиб, клиник материал, ҳамда клиник ва инструментал текшириш усуллари умумий тавсиф берилган. Тадқиқот асосини 2010 – 2021 йй. мобайнида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали жарроҳлик бўлимларида (Самарқанд давлат тиббиёт университети даволаш факултетининг 2 – сон хирургик касалликлар ва дипломдан кейинги таълим факултетининг хирургия кафедраларининг клиник базаси) Мириizzi синдроми билан асоратланган ЎТК сабабли стационар шароитда даволанган 117 нафар бемор ташкил этган. Беморлар шартли равишда икки гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳни 2016 – 2021 йй. давомида стационар шароитида даволанган 62 нафар бемор ташкил қилган бўлса, таққослаш гуруҳини 2010 – 2015 йй. давомида даволанган 55 нафар бемор ташкил этган.

Таққослаш гуруҳидаги беморлар билан ишлашда McSherry (1982) таснифи қўлланилган. McSherry таснифи бўйича, таққослаш гуруҳида Мириizzi синдроми I типини билан 19 (46,8%) нафар, II типини билан – 36 (53,2%) нафар бемор бўлган.


Мириizzi синдромида жарроҳлик тактикасини стандартлаштириш жараёнида, холецистобилиар оқмалар жойлашган жойини ҳисобга олган ҳолда мавжуд таснифларни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилган, чунки А. Csendes, С.К. McSherry, Т. Nagakawa таснифлари ва уларнинг турли модификацияларида оқманнинг жойлашиш даражаси, шунингдек, унинг конфлюэнс соҳасида жойлашиши тўғрисида баён этилмаган. Шунинг учун, 2016 – йилдан бошлаб, гепатикохоледох зарарланиш даражасига боғлиқ ҳолда даволаш тактикасини аниқлаштириш мақсадида, биз томондан, ўт йўллари стриктураларида қабул қилинган терминологияга ўхшаш (Э.И. Галпериннинг ўт йўллари стриктураларининг таснифи, 2002 й.) Мириizzi синдроминан таснифи тавсия этилган:

I тип – оқма аниқланмайди; умумий ўт йўли, ёки умумий жигар йўли ўт пуфагида, ёки ўт пуфаги йўлидаги тош билан қисилган бўлади (28 нафар беморда) – 45,2%;

II тип: «+2» – холецистохоледохеал тури: холецистобилиар оқманинг жойлашиши ўт пуфаги йўлининг холедохга қуйилишидан дисталроқда (12 нафар беморларда – 19,3%);

«+1» – ўт пуфаги найи тури: холецистобилиар оқманинг жойлашган жойи ўт пуфаги йўлининг холедохга қуйилиш жойига тўғри келган, ўт пуфаги йўлининг тўлиқ бузилиши, ҳамда ўт пуфаги билан гепатикохоледох ўртасида кенг боғланиш борлиги кузатилган (17 нафар беморда – 27,4%);

«0» – конфлюэнсли тури: холецистобилиар оқманинг жойлашиши конфлюэнс даражасида бўлган (5 нафар беморда – 8,1%) (1 – расм);



1 – расм. Мириззи синдроми таснифи (гепатикохоледох структураларида қабул қилинган терминалогия билан ўхшаш).

Тавсия этилаётган тасниф тузилиши жихатидан содда бўлиб, Мириззи синдромида тактик – техник ечимларини танлашда амалий жихатдан қулай ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Мириззи синдроми ташхислашда клиник – инструментал текшириш усуллари**нинг имкониятлари» номли учинчи боби операциягача бўлган даврда Мириззи синдроми аниқлаш учун қўлланиладиган клиник ва инструментал текшириш усуллари имкониятларини ўрганишга бағишланган.

Шифохонага келган беморлар ўнг қовурға ёйи остидаги оғриққа ва сарикликка шикоят қилишади. Бизнинг тадқиқотимизда Мириззи синдроми билан беморлар энг кўп ўнг қовурға ёйи остидаги оғриққа - 98 (83,8%) нафар

бемор, сариқликнинг ташқи белгилари билан – 108 (92,3%) нафар бемор шикоят қилди. Холангит белгилари 54 (46,1%) нафар беморда кузатилган.

Адабиётларда кўрсатилган, ҳамда бизнинг тадқиқотларимизда олинган маълумотларнинг ўзаро қиёсий таҳлили Мириizzi синдроми, холедохолитиаз ва ўткир холециститда оғриқ синдромининг учраш частотаси бўйича фарқлар йўқлигини кўрсатди. Мириizzi синдроми ва холедохолитиазда механик сариқлик ва холангитнинг учраш частотаси ўртасида ҳам деярли фарқ аниқланмади. Аммо, Мириizzi синдромининг II типиди (оқма) холангит учраш частотаси I типига (стриктура) нисбатан кўпроқ кузатилди. Ушбу маълумотлар клиник симптомларнинг Мириizzi синдромининг морфологик типини қиёсий ташхислашга аҳамиятга эга эмаслигини тасдиқлайди.

Механик сариқлик, тана ҳарорати кўтарилиши клиник белгилари даврий равишда қайталаниб турган беморларда патологик жараёнга жигардан ташқари ўт йўллари кўшилиши тўғрисида шубҳа пайдо бўлган, ҳамда жарроҳлар эҳтиёткорлик билан ўт йўллариининг контрастли текшириш усуллари қўлланилган. Операцияга шошилиш кўрсатмалар бўлганда, операция вақтида магистрал ўт йўллари ҳам синчковлик билан тафтиш қилинди.

Лаборатор тадқиқотларда 63 (53,8%) нафар беморларда кўпроқ билирубин ва жигар ферментларининг кўтарилганлиги аниқланган бўлса, шулардан 8 нафари MC I типиди билан, 55 нафари холецистобилиар оқма билан бўлган.

Сонографик текширув барча беморларга ўтказилган. Қорин бўшлиғи УТТси беморлар қабул қилингандан сўнг дастлабки икки соат ичида ўтказилган бўлса, кейинчалик икки сутка ичида такрорий текширув бажарилган.


Қорин бўшлиғи УТТси маълумотларига кўра, MC 51 нафар (43,6%) беморларда тахмин қилинган. Уларда қуйидаги белгилар аниқланган (2 – расм).




2 – расм. Сонография. Бемор М., 84 ёшда. MC II типиди. Кенгайган умумий жигар ва бўлак ўт йўллари кўринадиган (1); холедох проксимал қисмида йирик тош аниқланадиган (2).

Эндоскопик ретроград холангиопанкреатография (ЭРХПГ) ўт йўллари кенгайиши ва механик сариклик белгилари бўлган 42 (35,9%) нафар беморларда ўтказилган. Икки нафар беморда пилорик канал ва 12 бармоқ ичак пиёзча қисмининг чандикли деформацияси ва стенози туфайли катта дуоденал сўрғичга (КДС) конюла қўйиш имкони бўлмади. Яна икки нафар беморда КДСнинг интрадивертикуляр жойлашиши сабабли конюла киритиш имконсиз бўлган. Шундай қилиб, ЭРХПГ 38 (90,5%) нафар беморга бажарриш имконияти бўлди (3-расм).

МСда ЭРХПГ нинг диагностик сезувчанлиги 15,8%ни ташкил этди – 2 ҳолатда цистобилиар оқма аниқланган. Аммо, ЭРХПГ хулосаларида УЖЙ тошдан юқори проксимал қисмларининг кенгайиши ва дистал қисмларининг нормал ўлчамлари, ёки УЎЙ нинг кенгаймаганлиги каби белгиларнинг ҳамроҳ бўлиши ҳисобга олинмаган эди. Юқоридаги белгиларнинг эътиборга олиниши усулнинг диагностик сезувчанлигини 58,3%га ошириш имконини бериши мумкин эди. Шундай қилиб, ЭРХПГ маълумотлари бўйича операциядан олдинги ташхислаш даражаси паст бўлган.



3 – расм. МС IIтипи билан беморнинг ЭРХПГ текшируви. Кенгайган жигар ичи ва умумий ўт йўли контрастланган(1). Умумий ўт йўли терминал қисмида конуссимон торайган (3), унинг юқори учлигида (2), ундан пастроқда (тош) (4)



4 – расм. МРХПГ. МС II тип билан А. исмли, 60 ёшли бемор ўт йўллари дарахтининг уч ўлчамли модели. Умумий ўт йўли проксимал қисмида тўлишиш нуқсони аниқланади(1), жигар ичи ўт йўллари кенгайган (2).

Механик сариклик билан асоратланган тошли холециститни ташхислашда бизлар МРХПГни қўшдик ва ушбу усул 38 нафар беморларда бажарилган. Ушбу усул ўт йўллари ва ошқозон ости беи йўли суратини алоҳида кўринишини аниқлаш имконини берган. МРХПГ ва стандарт МРТ

текширувини биргаликда қўллаш орқали ўсма сабабли бўлмаган билиар тўсиқни 98% аниқликда ташхислаш мумкин, шу сабабли МРХПГ ни ЭРХПГ нинг ноинвазив муқобили сифатида қўллаш мумкин. МРХПГ нинг ЭРХПГ дан яққол устунлиги унда ўт йўллари нинг обструкциягача ва ундан кейинги қисмларини яққол кўриш, ҳамда гепатопанкреатодуоденал соҳа аъзолари тузилишини баҳолаш имкониятининг мавжудлиги ҳисобланади (4 – расм).

Уч ўлчамли МРТ ва МРХПГ нинг қўлланилиши сафро йўлларидаги тошлар, уларнинг сони ва тахминий тарқибини аниқлабгина қолмасдан, билиар дарахтнинг хажмий виртуал кўринишини тиклаш, тузилишининг ўзига хос хусусиятлари ва атрофидаги анатомик тузилмалар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш имконини ҳам берган. Ушбу усулнинг диагностик сезувчанлиги юқорироқ бўлиб, 69,2% ни ташкил этди, яъни МС операциядан олдин 26 нафар беморларда аниқланган.

МС билан беморларни текширишда 7 нафар бемор операциядан олдин ЎТКнинг ушбу асоратини кўрсатувчи клиник белгилари мавжуд бўлган ҳолда, ушбу белгилар ташхислаш врачлари, ёки жарроҳлар томонидан эътиборга олинмаган, ҳамда операциягача лозим бўлган ташхис қўйилмагани билан дуч келишган. Шунинг учун, МС ташхисига нисбатан муҳим бўлган белгиларни ажратиш лозим деб ҳисобладик ва уларнинг информативлигини аниқлашга ҳаракат қилинган.

МС даги ҳар бир белгининг информативлигини баҳоланган. Бунинг учун улар алоҳида гуруҳларга ажратилган: 1. клиник-анамнестик; 2. сонографик; 3. ЭРПХГ маълумотлари; 4. МРПХГ маълумотлари.

Шу билан боғлиқ ҳолда, адабиётлар таҳлили ва шахсий кузатувлар асосида ЎТК бор беморларда Мириззи синдромида Мириззи синдромини башоратлашнинг баллик тизими ишлаб чиқилган (1–жадвал).

Шундай қилиб, ретроспектив ва асосий гуруҳдаги беморларда клиник – инструментал текшириш усуллари нинг қиёсий таҳлили асосида, биз томондан, паст, ўрта ва юқори эҳтимолдаги Мириззи синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги мавжуд беморлар гуруҳи ажратилган.

Эҳтимоллиги паст гуруҳга 4 дан 10 баллгача бўлган 19 (30,6%) нафар бемор, ўрта эҳтимоллик даражасидаги гуруҳга 11 дан 20 баллгача бўлган 32 (51,6%) нафар бемор, ҳамда юқори эҳтимоллик даражасидаги гуруҳга 20 баллдан юқори тўплаган 11 (17,7%) беморлар киритилган.

Операциядан олдинги даврда нафақат периперацион (эрта) билиар асоратлар ривожланиш хавфини аниқлаш, балким уни камайтириш имконини берса, жарроҳлик беморларини текшириш ва юритиш тактикасини муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкин. Шундай қилиб, ушбу дастурга мувофиқ, турли усуллари ёрдамида олинган маълумотлар ҳам диагностик, ҳам башоратлаш қийматига эга бўлган.

ЎТК билан беморларда Мириizzi синдромини башоратлашнинг баллик тизими

Мириizzi синдромининг белгилари	Балллар	Беморлар сони
Клиник-анамнестик маълумотлар (n=117)		
Бир ойдан ортиқ вақт давомида ўнг қовурға ёйи ости соҳасидаги ноқулайлик ҳисси	1	98 (83,8%)
Жигар санчиғининг илк хуружи	1	13 (11,1%)
10 йилдан ортиқ давомийликдаги ЎТК	2	72 (61,5%)
Оғриқ хуружларининг йилига 3 – 4 маротабадан кўп бўлиши	3	53 (45,3%)
Анамнездан даврий равишда тери қопламаларининг сарғайиши, ёки сийдик рангининг тўқлашиши	4	108 (92,3%)
Даврий равишда варажаларнинг бўлиши	5	54 (46,1%)
Сонографик белгилар (n=117)		
Умумий ўт йўлининг бутун сатҳи бўйлаб, бир текисда кенгайиши	1	7 (5,9%)
Умумий ўт йўли юқори учлигида катта тошнинг мавжудлиги	1	7 (5,9%)
Ишламайдига (ўчирилган) ўт пуфаги	2	18 (15,4%)
Ўт пуфаги бўйинчасидаги, ёки ўт пуфаги йўлида катта тошнинг мавжуд бўлиши	3	26 (22,2%)
Умумий ўт йўли дистал қисми нормал ўлчамда бўлган вақтда жигар ичи ўт йўллариининг кенгайиши	4	36 (30,8%)
Бужмайган ўт пуфаги	5	51 (43,6%)
ЭРХПГ ёрдамида аниқланган белгилар (n=40)		
Умумий ўт йўли девори қирраларининг силлиқлиги	1	7 (17,5%)
Ўт пуфаги ва умумий ўт йўли ўртасида патологик оқманинг мавжудлиги	2	12 (30,0%)
Гепатикохоledохнинг ўт пуфаги йўли қуйилиш жойида торайиши (стриктура)	3	19 (47,5%)
Ташқи ўт йўллари проксимал қисмларининг кенгайиши	4	23 (57,5%)
Умумий ўт йўлининг юқори учлигида ташқаридан қисилиши	5	31 (77,5%)
МРХПГ ёрдамида аниқланган белгилар (n=38)		
Умумий ўт йўли торайган қисмларидаги девори чегараларининг силлиқлиги	1	10 (26,3%)
Умумий ўт йўлининг бутун сатҳи бўйлаб, бир текисда кенгайиши	1	15 (39,5%)
Ишламайдига (ўчирилган) ўт пуфаги	2	12 (31,6%)
Ўт пуфаги йўлида тошларнинг мавжудлиги	3	21 (55,3%)
Умумий ўт йўли дистал қисми нормал ўлчамда бўлган вақтда унинг проксимал қисмларининг кенгайиши	4	29 (76,3%)
Умумий ўт йўли проксимал қисмларида тўлишиш нуқсонининг мавжудлиги	4	21 (55,3%)
Умумий ўт йўлида ўт пуфаги билан биргаликда тўлишиш нуқсонининг мавжудлиги	5	36 (94,7%)
Гепатикохоledох проксимал қисмларининг кенгайиши	5	34 (89,5%)

Диссертациянинг «**Мириizzi синдроми билан беморларни жарроҳлик даволашнинг тактико – техник жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи боби РШТЎИМСФ да МС билан беморларда қўлланиладиган тактико – техник ёндашувларга бағишланган.

Мириizzi синдродини жарроҳлик даволаш усулини танлашга тактик ёндашувлар олиб борилган ишларимиз жараёнида етарлича ўзгаришларга учради. 2016 й. гача бизлар Mc Sherry (1982) таснифидан фойдаландик, бунда жарроҳлик аралашувларининг турлари Мириizzi синдромининг типига кўра аниқланар эди. Таққослаш гуруҳида бажарилган амалиётларнинг тури ва сони 2 – жадвалда кўрсатилган.

Муваффақиятли радикал операция кўп жиҳатдан тўғри танланган жарроҳлик тактикасига боғлиқ бўлиб, операциянинг кечишига етарлича таъсир кўрсатади, жарроҳлик даволаш оқибатларига маълум даражада аҳамиятга эга бўлиб, реабилитацион давр кечишига ўз аксини топади.

2– жадвал

Мириizzi синдроми билан таққослаш гуруҳидаги беморларда жарроҳлик аралашувларининг турлари

Операция турлари		Мириizzi синдромининг типи (по McSherry)			
		I тип		II тип	
		йук	%	йук.	%
ЛХЭ		3	15,8	-	-
МЛХЭ		10	52,6	-	-
МЛХЭ + УЖЙни дренажлаш		4	21,0	-	-
Кенг кесим орқали ХЭ	Тубидан ХЭ	2	10,5		
	Субтотал ХЭ, умумий ўт йўли деворини ўт пуфаги чўлтоғи ёрдамида пластика қилиш, ҳамда ўжй ни дренажлаш	-	-	27	75,0
ХЭ + ГепДА		-	-	6 2*	16,7
ХЭ + Ру бўйича ГепЕА		-	-	3	8,3
Жами		19	100,0	36	100,0

Изох: * - жигардан ташқари ўт йўлининг шикастланиши.

III бобда баён этилган беморларнинг операциягача текшириш натижаларига асосланиб, асосий гуруҳдаги беморлар Мириizzi синдромининг эҳтимоллик даражаси бўйича 3 та кичик гуруҳларга бўлинган.

Шу билан боғлиқ ҳолда, асосий гуруҳда жарроҳлик даволаш кўпроқ табақалаштирилган бўлди. III бобда кўрсатилгандек, даволаш усулини танлашга таъсир қилувчи омиллар ҳисобга олинган. Даволаш натижаларига таъсир кўрсатган ушбу омилларни бизлар балли шкала бўйича баҳоладик (DGU 09487 рақамли ЭҲМ учун дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги) (3 – жадвал).

Ишлаб чиқилган дастур организмнинг узига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, операциянинг энг мақбул усулини танлаш ва даволаш

натижаларини яхшилаш имконини берган, 2 баллгача тўплаган беморларга ЛХЭ бажарилган. Мириizzi синдроми I типи билан бўлган ушбу беморлар гуруҳида жарроҳлик даволаш ўт пуфаги бўйинчасига текилиб қолган тошни олиш қийинлиги билан боғлиқ бўлган ўзига хос техник хусусиятларга эга. Демак, Гартман чўнтагини кесиш ва шу кесим орқали тошни олиб ташлаш, ҳамда кейинчалик холецистэктомия лапароскопик усулда, 5 (асосий гуруҳдаги 62 нафар беморнинг 8,1%)га ҳолатда бажарилган.

Ўт пуфаги бўйинчасига текилиб қолган тошни лапароскопик усулда олиб ташлашнинг имкони бўлмаганда, бизлар 18 (29,0%) та кузатувда минилапаротом холецистэктомияга ўтилган. Улар, 4 баллгача тўплаган, асосий гуруҳдаги беморларнинг иккинчи кичик гуруҳини ташкил этдилар.

3 –жадвал

Мириizzi синдромида даволаш тактикасини танлашнинг балллик тизими

Операция турини танлашга таъсир кўрсатувчи омиллар	Омилларнинг хусусиятлари	Балллар	
Интоксикация белгилари	Белгилари йўқ	0	
	Белгилари бор	1	
Мириizzi синдромининг клиник белгилари	Клиникаси йўқ	0	
	Механик сариқлик	1	
	Холангит	2	
Тавсия этилган тасниф бўйича Мириizzi синдромининг типи	I тип	0	
	II тип	«+2»	1
		«+1»	2
		«0»	3
Мириizzi синдроми билан асоратланган ўт тош касаллигининг клиник кечиши	Сурункали тошли холецистит	0	
	Ўткир тошли холецистит	1	
Гепатикохоледох диаметрининг ўлчами	1 смгача	0	
	1,1 – 1,5 см	1	
	1,6 см ва ундан катта	2	
ТВИ	Норма	0	
	Семизлик 1-2 даражаси.	1	
	Семизлик 3 даражаси.	2	
Ҳаётий муҳим аъзоларнинг ҳамроҳ касалликлари	Бор	0	
	Йўқ	1	

3 – кичик гуруҳдаги 34 (54,8%) нафар беморларда магистрал ўт йўллариининг шикастланиш хавфи юқори бўлиб, уларда тўпланган баллар йиғиндиси 7 баллгача бўлди. Уларнинг 10 (29,4%) нафарида минилапаротом холецистэктомия ва гепатикохоледохни ташқи дренажлаш операцияси бажарилди. 24 (70,6%) нафар беморларда ўт пуфаги тубидан очилиб, бўшлиғидаги тош олиб ташланди, субтотал холецистэктомия ва гепатикохоледохни ташқи дренажлаш бажарилди (5, 6 – расм).


9 баллгача тўплаган ва гепатикохоледох шикастланиш сатҳи «0» бўлган 5 (8,1%) нафар тўртинчи кичик гуруҳдаги беморларга реконструктив

операциялар, асосан Ру бўйича ингичка ичак қовузлоғи ўчирилган юқори билиодигестив анастомозлар бажарилган (4 – жадвал).

Шундай қилиб, кўпгина ҳолатларда Мириizzi синдромининг II типи операция вақтида аниқланадиган топилма ҳисобланади. Мириizzi синдроми I типи мавжуд бўлганда устунликни минилапаротом холецистэктомияга бериш лозим, бунда, ҳам миниинвазив кесимнинг асосий устунликлари сақлаб қолинади ва керак бўлганда ушбу кесимни кенгайтириш орқали конверсия бажарилиб, билиар тизимда лозим бўлган жарроҳлик аралашувларининг барчасини бажаришга имкон туғилган.



5– расм. Бемор М., 75 ёшда. Мириizzi синдроми «+1» типи, билиар тизим тафтиши. Стрелка ёрдамида тош жойлашган, ўт пуфаги билан умумий бўлган гепатикохоledохнинг нуқсони кўрсатилган.



6– расм. Айнан шу бемор. Қолдирилган ўт пуфаги тўқимаси ёрдамида умумий ўт йўлининг бутунлиги тикланмоқда (1). Умумий ўт йўлида қолдирилган дренаж най (2).

4 – жадвал

Мириizzi синдроми билан асосий гуруҳидаги беморларда жарроҳлик аралашувларининг турлари (n=62)

Операция турлари	Мириizzi синдромининг типи (тавсия этилган таснифга кўра)			
	Тип I	Тип II		
		«+2»	«+1»	«0»
ЛХЭ	5 (17,8%)	-	-	-
МЛХЭ	18 (64,3%)	-	-	-
МЛХЭ + УЖЙ ни дренажлаш	5 (17,8%)	3 (25,0%)	2 (11,8%)	-
Минилапаротом кесим орқали Субтотал ХЭ, умумий ўт йўли деворини ўт пуфаги чўлтоғи ёрдамида пластика қилиш, ҳамда УЖЙ ни дренажлаш	-	9 (75,0%)	15 (88,2%)	-
ХЭ + Ру бўйича ГепЕА	-	-	-	5 (100%)
Жами	28 (100%)	12 (100%)	17 (100%)	5 (100%)

Диссертациянинг «Миризи синдроми билан асоратланган ўт тош касаллиги бор беморларнинг жарроҳлик даволаш натижалари» деб номланган бешинчи бобида олинган маълумотларни ишончли баҳолашнинг барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган даволаш усулларини жорий этиш натижалари келтирилган. ЎТК билан беморларда Миризи синдроми башоратлашнинг специфик баҳолаш шкаласини мақбуллаштирилиши, диагностик маълумотлар асосида жарроҳлик тактикасини танлаш дастурининг ишлаб чиқирилиши, шунингдек, ушбу тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган, ҳамда амалиётга жорий этилган бошқа янгиликлар ушбу тоифадаги беморларни юритиш натижаларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Шундай қилиб, 2010 – 2015 й. га нисбатан 2016 – 2020 й. да операциядан кейинги асоратлар 16,4% дан 3,2% гача камайди, яъни 5 мартаба. Сафро оқиши каби асоратлар частотаси яққол пасайган (3 мартаба), сафроли перитонит ва ўт йўллари шикастланишлари каби ўта оғир асоратлар умуман кузатилмаган. Топик кичик кесимга кўрсатмаларнинг кенгайтирилиши жарроҳлик аралашувининг давомийлигига салбий таъсир кўрсатмаган. Аксинча, ушбу кўрсаткич пасайган. Операциядан кейинги стационар даволаниш давомийлиги таққослаш гуруҳига нисбатан 2 мартаба қисқарди – $7,2 \pm 1,2$ кундан $5,9 \pm 0,3$ кунгача.

Операциядан кейинги кечки муддатларда, таққослаш гуруҳидаги 7 (17,9%) нафар беморларда такрорий консерватив, рентгенэндобилиар ва жарроҳлик аралашувлари ўтказилди. Қайта даво тадбирларига кўрсатма бўлган патологик ҳолатларнинг хусусиятлари 5 – жадвалда кўрсатилган.

5 – жадвал

Таққослаш гуруҳидаги беморларда ўтказилган қайта жарроҳлик амалиётларнинг турлари

Биринчи операциянинг номи	Охирги ўтказилган амалиётдан сўнг юз-ага келган патологик ҳолатнинг тавсифи	Операция тури	Беморлар сони (n=7)	
			abs.	%
ЛХЭ → Лапаротомия, ГХ проксимал чўлтоғини ташқи дренажлаш →	Ташқи сафроли оқма →	ГепЕА	1	14,3
МЛХЭ → Лапаротомия, ГХ проксимал чўлтоғини ташқи дренажлаш →	Ташқи сафроли оқма →	ГепЕА	1	14,3
МЛХЭ + УЖЙ ни дренажлаш →	ГХ стриктураси →	Такрорий консерватив даволаш → ўт йўллари ретроград стентлаш	1	14,3
ХЭ + ГепДА →	ГепДА стенози →	Такрорий консерватив даволаш → ГепДА ни эндоскопик диатермо кенгайтириш → ГепДА ажратиш, ГепЕА шакллантириш	4	57,1
Жами			7	100,0

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган дастур, Мириizzi синдроми билан асоратланган ЎТК бор беморларни жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш алгоритмининг қўлланилиши операциядан кейинги эрта асоратлар частотасини 16,4% дан (таққослаш гуруҳидаги 9 нафар бемор) 3,2% гача (асосий гуруҳидаги 2 нафар бемор (χ^2 меъзони = 4.954; Df=1; p=0,027) ва операциядан кейинги кечки муддатларда ПХЭС нинг 17,9% дан (таққослаш гуруҳидаги 7 нафар бемор) 4,4% гача (асосий гуруҳидаги 2 нафар бемор (χ^2 меъзони = 4.692; Df=1; p=0,031) камайтириш орқали кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш имконини берган.

ХУЛОСА

1. ЭРХПГ УТТ га (43,6%) қараганда кўпроқ ахборот беради (58,3%), лекин, контраст модда киритилши сабабли сафро йўллари ички босимининг ошиш хавфи мавжудлиги, холецисто – холедохеал окма ва ўт пуфагининг тўлиқ суратини бермайди. МС да эндоскопик аралашувлардан сўнг панкреатит белгилари кузатилиши мумкин. МС ни ташхислашда МРХПГ ноинвазив текшириш усули бўлиб ҳисобланади, унинг самарадорлиги 69,2% ни ташкил этиб, ЭРХПГ ва УТТ дан юқори бўлди. МРПХГ – Мириizzi синдроми ташхислашда юқори аниқликка эга бўлган, ҳамда ушбу касалликнинг морфологик турини юқори диагностик сезувчанлик билан аниқлаш имконини берувчи текшириш усули эканлиги исботланди.

2. Мириizzi синдроми башоратлашнинг балллик баҳолаш дастурининг қўлланилиши ЎТК билан беморларда Мириizzi синдроми асоратланиши эҳтимоли паст, ўрта ва юқори бўлган беморлар гуруҳларини аниқлаш имконини берди. УТТ ва МРПХГ маълумотлари бўйича умумий ўт йўлининг диаметри нормал бўлган ҳолатда жигар ичи ўт йўллари кенгайиши, ўт пуфаги йўли ва гепатикохоledохнинг юқори учлигида катта силжимайдиган зич конкрементнинг бўлиши информатив белгилардан ҳисобланади.

3. Ишлаб чиқилган Мириizzi синдромининг типларга бўлишга асосланган таснифи ҳамда магистрал ўт йўллар шикастланиш сатҳига кўра II типи, ўт йўллари стиктураларида қабул қилинган терминологияга ўхшаш, Мириizzi синдромининг клиник – патоморфологик жиҳатларини аниқлаштиради ва жарроҳлик тактикасини аниқлашга ёрдам берди.

4. Мириizzi синдроми билан асоратланган ЎТ бор беморларда жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш дастури асосий гуруҳидаги 8,1% ва 29,0% беморларда, мос равишда лапароскопик ва минилапаротом усулда холецистэктомия бажариш, бу орқали эса, ўт йўлларининг шикастланиши олди олиниб (таққослаш гуруҳида – 1,7%, асосий гуруҳида – 0%), амалиётни минимал хавф билан яқунлаш имконини берди.

5. Мириizzi синдроми билан асоратланган ЎТК бор беморларда, операция усулини танлашга комплекс ёндашувни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш дастурининг

қўлланилиши операциядан кейинги эрта асоратлар частотасини 16,4% дан (таққослаш гуруҳидаги 9 нафар бемор) 3,2% гача (асосий гуруҳидаги 2 нафар бемор (χ^2 меъзони = 4.954; Df=1; p=0,027) ва операциядан кейинги кечки муддатларда ПХЭС нинг 17,9% дан (таққослаш гуруҳидаги 7 нафар бемор) 4,4% гача (асосий гуруҳидаги 2 нафар бемор (χ^2 меъзони = 4.692; Df=1; p=0,031) камайтириш орқали кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КУРБОНОВ НИЗОМ АЗИЗОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ
ЖЕЛЧНОКАМЕННОЙ БОЛЕЗНИ, ОСЛОЖНЕННОЙ СИНДРОМОМ
МИРИЗЗИ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

БУХАРА – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.2.PhD/Tib1974.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Давлатов Салим Сулаймонович
кандидат медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Уроков Шухрат Тухтаевич
доктор медицинских наук

Эшонходжаев Отабек Джураевич
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Южно-Казахстанская медицинская академия
(Казахстан)**

Защита состоится «__» _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200100, Республика Узбекистан, г.Бухара, пр-т.Наваи,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhmi@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № __). Адрес: 200100, Республика Узбекистан, г. Бухара, пр-т. Наваи,1. Тел.: (+99865) 223-17-53; факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.

(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2022 года).

А.Ш.Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н.Ачилова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по медицинским наукам, доцент

Б.З.Хамдамов

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным всемирной организации здравоохранения, на сегодняшний день желчнокаменная болезнь (ЖКБ) является одним из наиболее распространенных заболеваний, выявляемым, по данным литературы, у 10-15% взрослого населения. Одним из редких осложнений ЖКБ является синдром Мириззи (СМ), который по данным разных авторов встречается в широких пределах – от 0,2 до 5% среди больных с ЖКБ¹. Число наблюдений СМ за последние годы увеличивается, что связано с ростом заболеваемости ЖКБ, появлением высокоинформативных методов обследования, прогрессом хирургии желчных путей. Частота послеоперационной летальности при этой патологии достаточно высока и составляет в среднем 11-14% соответственно. Также неутешительны отдаленные результаты хирургических вмешательств, обусловленные развитием послеоперационной стриктуры гепатикохоледоха². Поэтому в отдалённом послеоперационном периоде от 7,5% до 20,8% больных с данной патологией нуждаются в проведении сложных реконструктивных оперативных вмешательств. Вместе с тем, до сих пор среди различных школ хирургов отсутствует единое мнение в определении самого понятия СМ, его классификации, а также в выборе метода его лечения.

С учетом того, что синдром Мириззи является грозным осложнением ЖКБ, большой практический интерес представляет разработка нетипичных способов выполнения холецистэктомии, позволяющих избежать переходов на широкую лапаротомию. Нам представляется актуальным и практически значимым определение показаний к каждому из нетипичных способов холецистэктомии с учетом типа синдрома Мириззи и разработкой вопросов оптимального технического обеспечения и наиболее рациональных оперативных приемов при выполнении хирургического вмешательства, а также изучение ближайших и отдаленных результатов их проведения.

В мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований, направленных на изучение морфо-функциональных критериев оценки тяжести течения заболевания. Продолжаются исследования по изучению заболевания, характеризующуюся нарушением обмена веществ и, как следствие, приводящее к образованию камней в желчном пузыре, желчных протоках и общем желчном протоке. В современной хирургии одной из наиболее повсеместных, ежедневных и важных проблем считается синдром Мириззи (СМ). Наиболее грозным осложнением СМ, способным привести к повреждению желчевыводящих путей во время операции и другим интраабдоминальным проблемам. Именно данная категория

¹ Назыров Ф.Г., Акбаров М.М., Нишанов М.Ш. Диагностика и лечение синдрома Мириззи. Хирургия. Журнал им. Н.И. Пирогова. 2010(4):67-73

² Байбеков Р.Р. Факторы риска повреждений и посттравматических стриктур внепеченочных желчных протоков. // Врач ахборотномаси, 2019, №3, С. 162-171.

пациентов обращает на себя наибольшее внимание хирургов и требует оптимизации методов оказания неотложной помощи. С возрастом распространенность калькулезного холецистита увеличивается.

В настоящий период в отечественном здравоохранении предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении качества хирургического лечения больных СМ, достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для совершенствования системы оказания медицинской помощи требуются научно-обоснованные результаты по оценке эффективности новых методов профилактики ЖКБ. В стратегию развития Нового Узбекистан на 2022-2026 годы по семи приоритетным направлениям включены задачи по повышению качества оказания населению квалифицированных медицинских услуг³. Реализация данных задач, в том числе, улучшение качества лечения СМ путем совершенствования хирургической тактики и разработки эффективных методов снижения осложнений в послеоперационном периоде, является одним из актуальных направлений.

